
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Очиқ маълумотлар порталида (data.gov.uz) Фарғона вилоятида яшовчи уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқаролар тўғрисида маълумотларда фуқароларнинг паспорт ва ЖШШИР (пинфл) рақамлари очиқланган ҳолатда кўрсатилгани юзасидан фикрлар билдирилди.

Вилоят ҳокимлиги тегишли соҳа масъуллари томонидан тезкорлик билан ушбу маълумотларни Очиқ маълумотлар порталидан олиб ташланиши таъминланди. Келгусида бундай техник муаммоларнинг келиб чиқишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

2022-10-24 11:18:01